

Далилларни Сохталаштирганлик (Қалбакилаштириш) Учун Жиной Жавобгарлик

Ахмедов Ихтиёр Бахтиёрович¹

Аннотация: Мақолада далилларни сохталаштириш жинояти таркибининг объектив ва субъектив белгиларини таҳлил қилиш асосида унинг ҳуқуқий табиати ёритилади ва мазкур жиноятни квалификация қилишга оид қоидалари бўйича тавсиялар берилади.

Калит сўзлар: Сохталаштириш, сохта маълумот, фактларни бузиб кўрсатиш, далил, оғир оқибат, ёлғон хабар бериш, ёлғон гувоҳлик бериш, квалификация.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида судлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялашга хизмат қиладиган мустақил давлат институтига айланди. Шунингдек, одил судловни амалга оширишни таъминловчи ривожланган замонавий талабларга жавоб берадиган қонунчилик базаси яратилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2023 йил 7 декабрь куни “**8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни**” байрамига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида, “суд-ҳуқуқ ислоҳотлари янги конституциявий маконга уйғунлаштирилади. Бу жараёнда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтириш устувор вазифа бўлиб ҳисобланади”² деб таъкидлаб ўтган эди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 54-моддасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади экани қайд этилган. Ушбу конституциявий қонданинг ҳаётда тўлиқ ўз ифодасини топишида суд ҳимояси муҳим ўрин тутди. Чунки, Конституциямизнинг 55-моддасига мувофиқ, ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланган.

Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият ҳисобланиб, унинг амалда таъминланиши, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг муҳофаза қилиниши ҳамда бузилган ҳуқуқларининг тикланиши эса бевосита суд ҳокимиятининг мустақиллиги, адолатли ва холис қарорлар қабул қилиши билан баҳоланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Аҳоли билан ўтказилаётган очик мулоқот натижалари бир ҳақиқатни яққол кўрсатмоқда: суд-тергов амалиётида далилларни тўплаш ва баҳолашда қонунийлик ва холисликни таъминлашга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар тўлиқ бартараф этилмаган.

Шунинг учун ҳам “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга биноан бундан буён Ўзбекистонда қийноққа солиш, руҳий, жисмоний босим ўтказиш ва бошқа зўравонлик ҳолатларига мутлақо йўл қўйилмайди. Бундай жиной қилмишларни содир этган ҳар қандай шахс, у ким бўлишидан қатъи назар, муқаррар равишда жавобгарликка тортилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сиртки таълим факультети ўқитувчи-методисти

² Қаранг: <https://president.uz/uz/lists/view/6917> (Мурожаат санаси: 2024 йил 25 август).



Жиноят ишлари доирасида ноқонуний усуллар билан олинган ҳар қандай маълумотлардан, жумладан, аудио ва видео материаллардан, ашёвий далиллардан фойдаланиш қатъиян тақиқланади. Қийноққа солиш, ҳимояга бўлган ҳуқуқни бузиш, инсонни алдаш ва тергов жараёнида бошқа ноқонуний усулларни қўллаш ман этилади.

Далилларни сохталаштириш учун алоҳида жиноий жавобгарлик жорий қилинади”³.

Шу муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрель кундаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чоратadbирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-470-сон Қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси “Далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш)” номли 230¹-моддаси билан тўлдирилди.

Мазкур нормага асосан исботлашни амалга ошираётган шахслар ёки исботлашда иштирок этиш учун жалб қилинаётган шахслар томонидан далилларнинг терговга қадар текширув ва жиноят ишлари материаллари бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш чоғида ғаразли ёки бошқа паст ниятларда ҳужжатларга ёхуд ашёларга била туриб ёлғон маълумотларни киритишда ва ўзга бузиб кўрсатишларида намоён бўладиган сохталаштирганлик (қалбакилаштирганлик) учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) орқали одил судловни таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг бузилиши натижасида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ва давлат манфаатларига жиддий аҳамиятга эга бўлган зиёнлар етказилишига сабаб бўлмоқда.

Мисол учун, фуқаро О.Б. Тошкент шаҳар ИИББнинг “102” рақамига қўнғироқ қилиб, 2021 йил 6 февраль кун Бектемир тумани ҳудудида жойлашган “Қўйлик дехқон бозори”да ўзига тегишли бўлган “Samsung A20S” русумли уяли телефон аппарати йўқолганлиги тўғрисида хабар берган.

Ушбу ариза юзасидан суриштирув ҳаракатлари ўтказиш вазифаси Бектемир туман ИИО ФМБ ЖҚБ қатта тезкор вакили Б.С.нинг зиммасига юклатилган бўлсада, бироқ Б.С. томонидан ҳеч қандай тезкор суриштирув ҳаракатлари ўтказилмасдан, 2021 йил 15 февраль кун “Қўйлик дехқон бозори” АЖ директори ўринбосари бўлиб ишловчи таниши А.Н ва фуқаро С.А.ларни холис сифатида кўрсатган ҳолда, гўёки фуқаро О.Б. уяли телефон аппаратини ўз эҳтиётсизлиги оқибатида йўқотиб қўйганлиги ҳақида ёлғон маълумотлар киритилган далолатнома расмийлаштирилиб, ушбу далолатнома асосида ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан жиноят иши кўзгатишни рад этиш тўғрисида асосиз қарор қабул қилинган⁴.

Шу билан бирга, терговга қадар текширувни амалга оширувчи, суриштирув ва тергов органлари томонидан жиноят ишларини юритишда юзаки ёндашуви, далиллар мақбуллигининг бузилиши, жиноят ишига оид далилларнинг йўқ қилиниши, алмаштирилиши, ўзгартирилиши, яширилиши ёки сохталаштирилиши (қалбакилаштирилиши) натижасида сўнги йилларда суд органлари томонидан оқлов ҳукмлари чиқарилишининг сон жиҳатдан ошиб бориши бежизга эмас. Чунки, ўрганишлар давомида 2017 йилда 263 та, 2018 йилда 867 та, 2019 йилда 859 та, 2020 йилда 781 та, 2021 йилда 932 та, 2022 йилда 1010 та, 2023 йилда 1244 та, 2024 йилнинг олти ойи (1-ярим йиллик) давомида 465 та жиноят ишлари бўйича оқлов ҳукмлари⁵ чиқарилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

³ *Мирзиёев Ш.М.* Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир (Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси) // https://constitution.uz/uz/pages/prezident_maruzasi_25yil (Мурожаат санаси: 2024 йил 25 август).

⁴ *Қаранг:* Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар маркази маълумотлари

⁵ *Қаранг:* <https://stat.sud.uz/index.html> (Мурожаат санаси: 2024 йил 25 август).



Бундан кўриниб турибдики, суд органлари томонидан чиқарилаётган оқлов ҳукмларининг кўрсаткич сони йилдан йилга ошиб бораётганлиги одил судловга қарши жиноятларга оид нормаларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлиб бораётганлигидан далолат беради. Бу эса, далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) жиноятларнинг тўлиқ очилишига, айбдорларнинг фош этилишига ва қонуннинг тўғри қўлланилишини таъминлашга салбий таъсир кўрсатиши билан бир қаторда, жиноят ишини ҳал қилиш учун муҳим бўлган далилларнинг сохталаштириш (қалбакилаштириш)га, айбсиз кишини жавобгарликка тортишга, адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқаришга, қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олишга, шунингдек, содир этилган жиноятларнинг қасддан яширилишига ҳамда ҳақиқатда айбдор шахсларнинг қонун олдида жавоб беришидан қочиб қолишига олиб келиши мумкин, бу эса, албатта, жисмоний ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилишига олиб келади.

Бундан келиб чиққан ҳолда, ушбу жиноятнинг *умумий объекти* бўлиб, одил судлов, баъзи бир ҳолларда эса, шахс манфаатлари хизмат қилади. Одил судлов давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг махсус йўналиши бўлиб, бир қатор хусусиятларига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа функцияларидан фарқ қилади, яъни у суд ҳокимиятининг кўринишини муҳим шакли сифатида қонун билан қатъий тартибга солинган судлов ишларини юритиш тартиб ва нормаларига риоя қилиш орқали амалга оширилади.

Далилларни сохталаштиришнинг *асосий бевосита объекти* сифатида жиноят ишлар бўйича одил судловга тақдим этилган далилларнинг ҳаққонийлиги, мақбуллиги ва қонунийлигини таъминлаш, далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашнинг ўрнатилган тартиби ҳисобланади.

Зеро, одил судловни амалга ошириш учун тақдим этилган деярли ҳар бир жиноят ишида далилларни сохталаштириш оқибатида ҳуқуқлари бузилиши мумкин бўлган жабрланувчи туради. Унда ушбу жиноят таркибининг *қўшимча бевосита объекти* бўлиб, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг қонуний манфаатлари ҳисобланади.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг “Одил судловга қарши жиноятлар” номли 16-бобида далилларни сохталаштирганлик (қалбакилаштириш) учун жавобгарлик белгиланиши, ушбу жиноятнинг асосий ва қўшимча бевосита объектини тўлиқ ижтимоий жиҳатдан аниқ белгилаб қўйилганлигини айтиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексининг 81-моддасига асосан ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади.

Бинобарин, исботлашни амалга ошираётган шахслар ёки исботлашда иштирок этиш учун жалб қилинаётган шахслар томонидан сохталаштирилган (қалбакилаштирилган) жиноят иши бўйича аҳамиятга эга бўлган гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ёки шу каби бошқа ҳужжатлар ушбу жиноятнинг предметини ташкил этади.

Далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) жинояти *объектив томондан* далилларнинг терговга қадар текширув ва жиноят ишлари материаллари бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш чоғида ҳужжатларга ёхуд ашёларга била туриб ёлғон маълумотларни киритишда ва ўзга бузиб кўрсатишларда намоён бўладиган сохталаштирилиши (қалбакилаштирилиши)да ифодаланади.

Жиноят кодексининг 230¹-моддасининг диспозициясига мувофиқ, *далилларни сохталаштириши (қалбакилаштириши) деганда*, исботлашни амалга ошираётган шахслар ёки исботлашда иштирок этиш учун жалб қилинаётган шахслар томонидан далилларнинг терговга қадар текширув ва



жиноят ишлари материаллари бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш чоғида ғаразли ёки бошқа паст ниятларда ҳужжатларга ёхуд ашёларга била туриб ёлғон маълумотларни киритиш тушунилади.

Худди шундай таъриф, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 август кунидаги “Далиллар мақбулликига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сон Пленум қарорининг 5-бандига асосан “*далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш)*” деганда, исботлашни амалга ошираётган ёки исботлашда иштирок этиш учун жалб қилинаётган шахслар томонидан ғаразли ёки бошқа паст ниятларда терговга қадар текширув ёки жиноят иши материаллари бўйича ҳужжатларга ёхуд ашёларга била туриб ёлғон маълумотларни киритишда ва бошқача тарзда бузиб кўрсатишда намоён бўлган ҳаракатлар тушунилиши лозим” деб белгилаб ўтилган.

Демак, ушбу жиноятнинг *объектив томони* фаол ҳаракатлар билан тавсифланиб, айбдор шахсларнинг бундай ҳаракатлари ҳужжатларни қалбакилаштириш, ҳақиқатни бузиб кўрсатиш, турли процессуал ҳужжатларга ёлғон маълумотларни киритиш, саналарни, муҳим аҳамиятга эга рақамларни ўзгартириш, сунъий равишда ашёвий далилларни вужудга келтириш ёки уларни йўқ қилиш ва шу каби бошқа ҳаракатларда ифодаланади.

Жиноят иши бўйича олинган далиллар жиноят-процессуал кодекси талаблари бузилган ҳолда олинган бўлса, мазкур далил суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан мақбул эмас деб топилиши мумкин.

Мақбул бўлмаган далиллар юридик кучга эга бўлмай, улардан ЖПК 82- 84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмас.

Жиноят-процессуал кодексининг 95¹-моддасига мувофиқ, қонунга хилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ёхуд ушбу Кодекс талаблари бузилган ҳолда олинган ҳар қандай фактик маълумотлар жиноят ишида далил сифатида эътироф этиш мумкин эмас.

Мақбул бўлмаган далиллар жиноят ишида юридик кучга эга бўлмай, улардан жиноят-процессуал кодексининг 82-84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмас.

Мазкур жиноят *формал* таркибли жиноят бўлиб, жиноят ишини тергов қилиш ёки кўриб чиқишга таъсир кўрсатган ёхуд кўрсатмаганлигидан қатъи назар, терговга қадар текширув, тергов ёки судга тақдим этиш пайтида жиноят иши материалларига сохталаштирилган (қалбакилаштирилган) далил қўшилган пайтдан бошлаб *туғалланган* ҳисобланади.

Далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) жиноятининг *субъекти* жиноят кодекси 230¹-моддасининг диспозициясида махсус субъект эканлиги белгиланган. Улар 18 ёшга тўлган, ақли расо исботлашни амалга ошираётган шахслар ёки исботлашда иштирок этиш учун жалб қилинаётган шахслар бўлиши мумкин.

Ҳуқуқшунос олим М.Ҳ. Рустамбаевнинг фикрига кўра, жиноят кодекси 230¹-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти суриштирувни амалга оширувчи ёки исботлашга жалб қилинган шахслар бўлишлари мумкин.⁶

Жиноят-процессуал кодексининг 86-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, исбот қилишни суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд амалга оширади. Мазкур модданинг 2-қисмида “исбот қилишда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, химоячи, жамоат айбловчиси, жамоат химоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иштирок этиш ҳуқуқига эгадир” деб белгиланган бўлса, 3-қисмида эса исбот қилишда иштирок этишга гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, холислар,

⁶ М.Ҳ. Рустамбаев. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм 3. “Yuridik adabiyotlar publish”.– Тошкент, 2021. – Б. 257.



шунингдек бошқа фуқаролар ва мансабдор шахслар жалб этилиши кўрсатилган. Улар жиноят-процессуал кодексда белгиланган тартибда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш билан боғлиқ ҳуқуқларни амалга оширадилар ҳамда мажбуриятларни бажарадилар.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) жиноятини ёлғон гувоҳлик бериш (Жиноят кодексининг 238-моддаси) жиноятдан фарқлаш зарурати туғилади.

Мазкур жиноятларни бир-биридан жиноят таркибининг объектив томони белгилари билан фарқлаш мумкин.

Гувоҳ ёки жабрланувчи ёлғон гувоҳлик берган тақдирда, улар фақат ёлғон кўрсатма бериш билан чекланади, далиллар сохталаштирилган (қалбакилаштирилган) тақдирда эса, жиноят иши бўйича жалб қилинаётган жиноят процесси иштирокчиларининг ёлғон кўрсатувлар беришидан ташқари, жиноят ишида далил сифатида фойдаланиладиган фактик маълумотларни сохталаштириш (қалбакилаштириш)дан иборат бўлган ҳаракатларни содир этади. Шу сабабли гувоҳ ёки жабрланувчи ёлғон кўрсатма бериш билан бир қаторда, далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш)нинг объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатларни содир этса, у ҳолда қилмиш Жиноят кодексининг 230¹-моддаси далилларни қалбакилаштириш (сохталаштириш) жинояти сифатида квалификация қилиниши лозим.

Далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) жиноятининг *субъектив томони* фақат тўғри қасд билан тавсифланади. Айбдор жиноят иши бўйича далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш)нинг ижтимоий хавfli хусусиятини англайди, унинг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи этади ва уларнинг юз беришини истайди. Жиноят таркибининг зарурий белгиси далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш)да ғаразли ёки бошқа паст ниятларнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, агар жиноят иши бўйича исботлашни амалга оширувчи шахслар томонидан моддий манфаатдорлик эвазига далилларни сохталаштирса (қалбакилаштирса), у ҳолда қилмиш жиноятлар мажмуи тариқасида, яъни далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) (ЖК 230¹-м.) ва пора олиш (ЖК 210-м.) жинояти сифатида квалификация қилиниши лозим. Чунки, исботлашни амалга оширувчи шахслар томонидан моддий манфаатдорлик эвазига далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) жиноятининг таркибига пора олиш жинояти таркибий элементларини қамраб ололмайди.

Далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, жиноят кодекси 230¹-моддасининг иккинчи қисми “а”-банди, шунингдек, шахсни ушлаб туришга, қамоққа олишга, жиноий жавобгарликка тортишга ёки жиноий жавобгарликдан озод этишга, ҳукм қилишга ёхуд оқлашга сабаб бўлса, қилмиш мазкур моддасининг иккинчи қисми “б”-банди билан квалификация қилинади.

Оғир ёки ўта оғир жиноят тўғрисидаги жиноят иши бўйича далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш), худди шунингдек далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) оғир оқибатларга олиб келган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 230¹-моддасининг учинчи қисми билан квалификация қилинади.

